



“Иссиқлик электр станциялари” АЖ
Бошқаруви раиси

Ф.М. Абдурахманов

2022 йил “30” март

**“Иссиқлик электр станциялари” АЖ тизим корхоналаридаги
ишлаб чиқаришнинг ўрта бўғин раҳбар ходимлари учун
психология бўйича ўқув тренингларини ўтказиш бўйича
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Буюртмачи: “Иссиқлик электр станциялари” АЖ

“Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг 2022 йил 4 мартдаги “2022 йил давомида “ИЭС” АЖ тизим корхоналари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш тўғрисида”ги 77-сонли буйруғи ва тасдиқланган “Йўл харитаси”га асосан “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тизим корхоналаридаги ишлаб чиқаришнинг ўрта бўғин раҳбар ходимлари учун психология бўйича ўқув тренингларини ўтказиш бўйича танлов эълон қилинмоқда.

Хизматлар номи:

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ тизим корхоналаридаги ишлаб чиқаришнинг ўрта бўғин раҳбар ходимларини малакасини ошириш ва психология бўйича ўқув тренингларини ўтказиш.

Хизматлар ҳажми:

Ўқув тренингларнинг мажбурий мавзуларига қуйидагилар киритилиши шарт:

- раҳбарнинг шахсий самарадорлиги;
- самарали жамоани қуриш усуллари;
- жамоанинг психологик иқлимига таъсир этувчи асосий омиллар;
- стрессни енгиш учун самарали воситалар ва уларни муайян вазиятга қараб қўллаш;
- ўзининг ва бошқаларнинг ҳиссий ҳолатини бошқариш усуллари;
- исталган вақтда қўлланилиши мумкин бўлган ўз-ўзини тартибга солиш усуллари (учрашув, жамоа билан учрашув ва бошқалар);
- танқидий вазиятларга тайёргарлик кўриш ва салбий ҳис-туйғуларни муваффақиятли енгиш.
- ахборотни тўғри қабул қилиш ва тақдим этиш;
- конфликтлардан унумли фойдаланиш.
- вақтни бошқариш ва ўзини ўзи ташкил этиш, вақтни бошқариш (тайм-менежмент);
- шахсий ва иш вақтини режалаштириш ва ундан самарали фойдаланиш;

- меҳнат мотивациясини ошириш усуллари;
- вақт етишмаслиги билан боғлиқ ҳиссий таранглик ва стрессни бартараф этиш усуллари;
- кундалик ишлар ва узоқ муддатли вазифалар ўртасида ўз кучларини оптимал тақсимлаш кўникмалари;
- самарадорликни рағбатлантирувчи ёки чекловчи омиллар;
- вазифа ва ваколатларни топшириш (делегирование).

Ўқув натижалари:

Тренинг натижалари бўйича иштирокчи-ҳодимлар қуйидагиларга эга бўлишлари:

- жамоадаги муносабатлар, бўйсунувчи ходимларни бошқариш соҳасида ўз малакаси ва профессионаллигини ошириш;
- фавқулодда ва танқидий вазиятларда тез оптимал қарор қабул қилишни ўрганиш;
- вақтни тўғри тақсимлашни ўрганиш ва уларга вакиллик қила олиш;
- жамоанинг самарадорлигини ошириш;
- жамоада муносабатларни тўғри қура олиш;
- конфликтли вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, улар юзага келган тақдирда бартараф эта олиш.

Тарқатиш материалларига қўйиладиган талаблар

Пудратчи тренинг иштирокчиларини ўқув дастури шаклида услубий материаллар билан таъминлайди.

Тренинг натижаларини ҳужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар

Тренинг тугаган кунда “Пудратчи” “Буюртмачи”га қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

1. “Пудратчи” муҳри ва имзоси билан тасдиқланган қоғозда ўтказилган тадбир тўғрисида ҳисобот.
2. Тренингда қатнашган тингловчилар рўйхати.
3. Ўқув машғулотлари бўйича фоторепортаж (дастлабки босқичнинг фотофиксацияси, амалий масалаларни ечиш босқичи, ўқув машғулотларини якунлаш, сертификатлар бериш — умуман олганда, электрон шаклида камида 10та фотосурат);
4. Ушбу тадбирни таклиф ва истаклар билан баҳолаш бўйича тренинг иштирокчиларининг сўровномаси (анкетирование).

Тренинг якунида “Пудратчи” барча иштирокчиларга ўқув курсларини тамомлаганлиги тўғрисида белгиланган тартибда сертификатларни беради. Сертификатларни бериш ва чоп этиш харажатлари “Пудратчи” томонидан қопланади.

Харажатлар ва иштирокчилар тўғрисида маълумот

Амалий машғулотлар цикли бўйича харажатларнинг тахминий миқдори иштирокчилар сонидан қатъий назар, 1 соатга — 400 000 сўмдан — 600 000 сўмгача бўлиши керак.

Ўқитиш давлат (ўзбек) тилида ҳам рус тилида олиб борилиши керак.
Тренинг иштирокчилари: “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тизим корхоналари ходимлари. *Жами иштирокчилар сони – 130 та нафар ходим.*
Тренинг ўтказиш муддатлари: 2022 йил апрель – май.

Тақдим этилаётган хизматлар учун квалификациян талаблар:

Буюртмачи қуйидаги тендер иштирокчиларининг иштирок этишига йўл қўймайди:

- қайта ташкил этиш (қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш, ўзгартириш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлганлар (шунингдек, шу каби тартибларни режалаштирган иштирокчилар);

- белгиланган муддатда барча зарур хужжатларни тақдим этмаганлар;

- илгари тузилган шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлар;

- танлов эълон қилинишига 3 (уч) йилдан камроқ вақт қолганида ташкил этилган;

- Буюртмачи ва/ёки унинг тизим корхоналари билан низо ҳолатида бўлиш;

- тижорат ва молиявий кўрсаткичлар бўйича Буюртмачининг талабларига жавоб бермайдиган.

Мажбурий малакали талаблар:

- таълим (ўқув) фаолиятни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг ваколати давлат органи томонидан берилган лицензиянинг мавжудлиги;

- иштирокчининг барча банк ҳисоб-варақалари бўйича тўловлар картотекаси йўқлиги;

- солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларининг йўқлиги;

Хизматлар кўрсатиш жойи:

100097, Ўзбекистон, Тошкент шаҳар, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 23.

Буюртмачи томонидан масъул ходим:

Ҳаридлар трансформацияси офиси бошлиғи Музаффар Сабилов,
контакт телефон: 71-230-95-33.

Ходимлар билан ишлаш
бўлими бошлиғи

Ф. Тургунова